

QILA DAVRASIDA

№ 22-23
(420-421)
25-iyun
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

ЭЪТИҚОДГА ЗАВОЛ ЕТСА,
бошимизга шундай кунлар тушаркан...

3-бет

ОЙДИННИ
ОРЗУЛАГАН ФАРЁД

Аёлнинг энг
оғир дардини
куйлаган асар

7-бет

ТАНҚИД КИМГА КЕРАК

журналистлари,
ОАВга ёки
жамиyatга?



«ҲАЙДАЛГАН
МУХБИР»

амалдор
тахририятга келди..

15-бет

ҚОНУН ва
ҲОКИМИЯТ
ЎРТАСИДА
САРСОН АЁЛ

Мақсад — қўллаб-
қувватлашми ёки...

3-бет



БОЗОР — ВИРУС
ЎЧОФИ

бўлмаслиги учун...

7-бет

«Оила даврасида»
газетасига

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ!

2020 йилнинг 6 ойи учун
ОБУНА давом
ЭТМОҚДА

Обуна
индекси – 193

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

АБГОР ШАРТ-ШАРОИТ — ҚИЙНОҚ БИЛАН ТЕНГ

«Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун, инсон ҳуқуқлари олий қадрият, деб кўп эътироф этилади. Чунки бу улугвор ғоялар қонунларимиз туб моҳиятига сингдирилган. Муҳими, ана шу имкониятлардан барча бирдек фойдаланиши. Аммо амалда бундан баҳраманд бўла олмаётган одамлар йўқ эмас.

Одамлар эркин ҳаракат қилса, ҳуқуқи учун курашса, натижага эришиши мумкин. Аммо ўз эрки қўлида бўлмаган, яъни ёпиқ муассасаларда сақланаётган шахслар ҳам бор. Мисол учун, руҳий касаллар шифохонаси, болаларни тарбиялаш муассасалари ва бошқалар.

Бундай муассасаларда аҳвол қандай? Олий Мажлиснинг бола ҳуқуқлари бўйича вакили Алия Юнусова Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги руҳий касалликлар диспансерида бўлиб, ўша ердаги аҳволни ўрганиб қайтди.

— Одамларга нисбатан қийноқлар ишлатилганидан хабар топсак, бу ҳар қандай кишининг нафратини кўзгатади, — дейди А.Юнусова. — Яқинда ички ишлар идорасида калтаклар туфайли вафот этган шахс ҳақидаги ҳодиса қандай шов-шувга сабаб бўлган ҳаммага маълум. Бундай ишлар қораланиши табиий ва тўғри, албатта. Лекин ёмон шарт-шароитларда қолаётган одамлар борлиги уларнинг ҳам қийнаётганидан далолат беради. Яъни инсон эрки чекланган муассасалардаги ёмон шарт-шароит ҳам қийноқ билан тенг. Қаршидаги муассаса ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Муассасада шарт-шароит жуда ёмон аҳволда. Таъмир-талаб хоналар, касалларга хоналар етишмаслиги, болалар учун дам олиш, хордиқ чиқариш, ўйнаш учун алоҳида шароитлар яратилмагани шулар жумласидан. Вояга етмаган шахслар ҳатто катталар билан бирга аралашиб кун кечирмоқда.



Ўрганиш давомида мутасаддилар диспансер учун янги бино қурилишини маълум қилган. Лекин бу қачон амалга ошириш номаълум.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўрганиш натижалари бўйича хулосаларини тегишли ташкилотларга, масъул мансабдорларга юборган.

Аммо оддий шароитлар яратилмаган жойда қолаётган ожиз аҳволдаги одамлар яна қанча кутиши керак?

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА


Аёллар учун қўшимча грант кимларга берилади?

«Ҳукумат қарори билан хотин-қизлар учун қўшимча грант асосида олий таълим муассасаларига кириш тартиби белгиланди, дея хабар берди Адлия вазирлиги.

Маълум қилинишича, 23 июнь куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқинишга қабул қилиниши ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, бундай тавсияномалар куйидаги мезонлардан бири асосида берилди:

- кам таъминланган оиладан чиққан хотин-қизлар;
- тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, яъни ота ёки онаси вафот этган хотин-қизлар;
- 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида яшаётган ёлғиз аёл (эркак)ларнинг қизлари;
- шахсий уй-жойга эга бўлмаган, ижарада яшаётган оилалар;
- ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш қидирувчи шахс сифатида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида ҳисобда турганлар;



• ногиронлиги бўлган фарзанди бор оилалардан чиққан хотин-қизлар;

• олий маълумотли хотин-қизлар билан камраб олиш даражаси республиканинг ўртача кўрсаткичларидан икки ёки ундан ортиқ маротаба паст бўлган туманлар, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда яшовчи оилалардаги қиз фарзандлар (уларни ўз ҳудудида 3 йил ишлаш шартли билан).

Шу билан бирга, мазкур низом билан тавсиянома олиш тартиби ҳам белгиланди. Унга кўра, ҳар йили февраль ойида хотин-қизларга тавсияномалар бериш бўйича ишчи гуруҳи тузилади.

Белгиланган тартибга асосан, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари тавсиянома олиш мақсадида муурожаат этган хотин-қизларнинг

ҳужжатларини ҳар йили 10 майга қадар Қорақалпоғистон Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаларига тақдим этади.

Ишчи гуруҳ томонидан саралаб олиниб, қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-қизларнинг рўйхати ҳар йили 15 июнга қадар Давлат тест марказига тақдим этилади ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Имтиёзли тавсиянома олий маълумот олиш истагида бўлган хотин-қизларга 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

«Тавсиянома ажратилган қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида абитуриент сифатида рўйхатдан ўтишида танлаган биринчи таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқини беради, иккинчи ва ундан кейинги олий таълим олиш учун танловда иштирок этишга нисбатан татбиқ этилмади», — дейилади хабарда.

Ў ИҚТИБОС:



Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

НИҒМАТИЛЛА ЙЎЛДОШЕВ:

«Ҳисобот ёзиб, қоғозга безак бериш осон. Аммо касаллик минг яширилмасин, иситмаси барибир ошқор қилади. Агар қайсидир ҳудудда «иситма ошқор» бўлса, жазо ҳам шунга яраша бўлади. Шундай оғир пайтда халқ қорига ярасаккина «халқ прокуратурасига» айланишимиз мумкин. Пировар мақсад ҳам шу эмасми?!»

Маъна: «xabar»

Аҳолидан антитаначаларни аниқлаш учун тест олинади

Ўзбекистонда келгуси ҳафтадан бошлаб COVID-19 антитаначаларини аниқлаш учун аҳоли орасида тестлар ўтказилади. Бунинг қарантин тадбирларини босқичма-босқич юмшатиш учун зарур экани таъкидланмоқда.

Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда коронавирусга қарши кураш штаби ходими Ҳабибулла Оқилов маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, ҳозирга қадар Ўзбекистонда COVID-19 билан касалланганларни аниқлаш, уларни даволаш, вирус юқтирган беморлар билан мулоқотда бўлганларни эса карантинга олиш масалалари билан шуғулланилди.

«Коронавирусни аниқлаш учун ПЗР (полимераза занжирли реакцияси) таҳлили лозим бўлади. Антитаначалар шаклланиши учун эса вирус юқтирган беморлар тузалиб чиққан бўлиши лозим», — деди у.

Бугунги кунда турли мамлакатларда яшовчилар COVID-19 га қарши иммунитет учун синовдан ўтишмоқда. 1 июнь куни Японияда факулдада ҳолат режимининг беқор қилиниши муносабати билан қанча инсон инфекция юқтирганини тушуниш учун антитаначаларни аниқлаш тестлари бошланди. Синов натижалари, вакцина яратилгач, ундан қанча керак бўлишини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Москвада эса аҳолини коронавирусга қарши иммунитетни тестдан ўтказиш 15 май куни бошланган. Дастлаб, унда фақат электрон почта ёки SMS орқали клиф олганлар иштирок этишлари мумкин эди. 27 майдан бошлаб ҳамма хоҳловчилар синовдан ўтмоқда. 50 минг киши текширилганидан сўнг, уларнинг 12,5 фоизида антитаначалар аниқланган.

Апрель ойи охирида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бир марта коронавирусдан тузалиб, иммунитетидан антитаначалар шаклланган инсон иккинчи марта касаллик юқтириб олмаслиги борасида ишончли далиллар йўқлигини таъкидлади.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР

Улар фаолиятини ривожлантиришида хориж тажрибаси қандай?

«World Investment Report»нинг 2019 йил якунлари бўйича эълон қилган маълумотига кўра, 147 та давлатда 5 380 дан ортиқ иқтисодий ҳудудлар мавжуд. Уларнинг аксарияти бож олинмайдиган фаолиятни йўлга қўйган. Тарифлардан халос бўлиш ва энг муҳими, чегаралардаги юк таъминоти тартиб-таомилларининг мукамал занжирини ташкил этишга асосий эътиборни қаратади.

Ривожланаётган мамлакатларда, аксинча, уларнинг асосий мақсади тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, диверсификация ва модернизация қилишга қаратилган. Ми-сол учун, бугун Хитой иқтисодиёти ўсиш суръатлари бўйича дунёда иккинчи ўринда бўлиб, бунга жаҳондаги бизнес муносабатларни зудлик билан ўзгартира олгани сабабли эришган. Арзон иш кучи шиппаклардан тортиб мобил телефонларгача бўлган турли маҳсулотларнинг нархи арзонлашишига сабаб бўлди. Қолаверса, Хитой Африкада энг йирик инвесторга айланди, шу сабаб Пекин Европа ёки Американи эмас, айнан «қора қитъа»ни ўзининг асосий ҳамкори ҳисоблайди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, Хитой тараккиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўрни катта бўлган. Айни пайтда бу ерда тўртта махсус иқтисодий зона фаолият кўрсатмоқда – Шенчжен, Чжухай, Шантоу ва Сямен. Бундан ташқари, 14 та эркин савдо ҳудуди, 53 та юқори ва янги технологиялар ҳудуди, хорижда таҳсил олган мутахассисларга мўлжалланган 70 дан ортиқ илмий-техник ҳудуд, экспортга

мўлжалланган маҳсулотларни қайта ишлайдиган 38 та ҳудуд бор.

Умуман, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишда асосий эътибор ҳудудлар табиий ресурслари ҳамда индустриал салоҳиятидан фойдаланиш ва экспорт тизимини кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Айнан шу ўринда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг унумли шакли бўлган замонавий эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Айнан ушбу йўналишда жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган ва ўз самарасини бераётган бир қатор иқтисодий чора-тадбирларни қайд этиш жоиз.

Иқтисодий ҳудудлар Хитойда инвестиция қиритиш учун энг қулай шароитлар яратилган минтақадир. Хорижий инвестицияларнинг асосий қисми ҳам айни шу ерда тўпланган. Даромад солиғи 15 фоиз бўлиб, рўйхатга олиш узоғи билан 1 ҳафта ичида амалга

оширилади. Ускуналар олиб қирилатган пайтда божхона солиғидан озод этилади. Маблағ қиритган инвесторга у чиқиб кетаётганда қўшимча қиймат солиғи қайтариб берилади.

Хитой Евросийё давлатларига мурожаат қилиб, янги Буюк ипак йўлининг Иқтисодий лойиҳасига бағишланган режалари билан ўртоқлашди. «Ягона тақдирга эга – инсоният» номли концепция янги, қатта, жиддий ва мураккаб бўлса ҳам ниҳоятда пухта ишланган бўлиб «глобал бошқарув»да: сиёсий келишув йўллари кидириш, қитъалараро ягона инфра-тузилма тармоғини яратиш, савдо алоқасини яхши йўлга қўйиш, валюта-молиявий оқимига кенг йўл очиб, инсоният ҳаётининг турли тармоқларидаги амалий ҳамкорликда гумани-тар алоқаларни ривожлантириш каби бешта муқобил вариантни ўз ичига олди. **Машиқдан Мағрибга қараб йўл оладиган дунёдаги энг йирик, энг узун Янги буюк ипак йўллари бўйлаб ҳали қанчадан-қанча эркин, алоҳида, махсус иқтисодий ҳудудлар ташкил этилади.**

Жанубий Хитой денгизи ороллари қадимда бўрон турганда ёки савдо кемаларига қарокчилар томонидан хавф тузилганда катта юк билан

кетаётган кемалар учун паноҳ бўлган экан. Эндиликда бу «тинчлик, осойишталик соҳили» – давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, Қошғар – Хитойнинг Марказий Осиё давлатлари билан бевосита чегарасида жойлашган минтақа. Пухта ўйлаб қилинган ҳисоб-китоб тўғри чиқди, мақсад амалга ошди, деб бугун бемалол айтиш мумкин. Сўнгги йилларда бу ерга Марказий Осиё давлатларидан меҳмонлар ва тадбиркорларнинг келиши сезиларли даражада ўсди. Маълумотларга кўра, бор-йўғи 15 минг аҳолиси бўлган Хорғос шаҳарчасига бугун кунига 10 мингга яқин ишбилармон, тадбиркор ва сайёҳ ташриф буюрмоқда.

Уйғур автоном провинциясида инвестиция ва ташқи савдо операциялари бўйича амалга оширилган ишлар ҳажми маблағ ҳисобида 13 миллиард юанни ташкил қилди. 2010 йилдан бошлаб Синзян чегара олди савдосида, Хитойда инвестиция соҳасида биринчи бўлиб ҳисоб-китобни миллий валютада – юанда юргиза бошлади. Бу Хитойнинг Марказий ва Ғарбий Осиё давлатлари билан савдо-сотиқ ишларини юритишда олдинга ташланган жиддий қадам бўлди.

Келгусида, юқорида келтириб ўтилган иқтисодий зоналарда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишни янада кучайтириш, янги турдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ва фирмаларини яратиш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай инфратузилма яратиш зарур. Бу каби ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши иқтисодий зоналарнинг ривожланиши билан бирга, Ўзбекистон яқин ички маҳсулотни ўсишида муҳим аҳамият касб этади.

Дилдора БОБОМУРОВА,
ТДИУ магистранти



ҚўШНИЛАРДА НИМА ГАП?

Қозғоғистонда ходимлардан ПЦР-тест талаб қилмаслик сўралди

Қозғоғистон бош санитар врачлари Айжан Есмагамбетова 23 июнь куни иш берувчиларга мурожаат қилиб, ходимлардан коронавирус учун ПЦР-тестдан ўтиш талаб қилмасликларини сўради. Унинг айтишича, бу лабораторияларга юк бўлиб тушади ва «тест топширишни мураккаблаштиради».

«Бугун минг афсуски, ҳам давлат, ҳам хусусий сектордаги иш берувчилар командировка, таътил ёки касалликдан қайтишлари билан ходимларидан мажбурий ПЦР-тестдан ўтишларини талаб қилмоқда», – деди А.Есмагамбетова. Унинг сўзларига қараганда, бу каби чоралар инфекция юқинининг олдини ололмайди.

Бугунги кунда мамлакатда 1,37 миллион тест ўтказилган. Ўтган уч кун ичида тестлар сони 30 мингдан ошмади. Аввалроқ Олмаотадаги кўчма марказларда COVID-19 тестидан ўтиш учун навбатлар пайдо бўлган эди.

Қирғизистон собиқ президенти 11 йилга қамалди

Бешкекда 23 июнь куни жинойи авторитет Азиз Батукаевнинг ноқонуний озод этилиши билан боғлиқ суд жараёни якунланди. Суд мамлакат собиқ президенти Алмазбек Атамбаевни мол-мулк мусодара қилиниши билан 11 йилу 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Суд ёпиқ режимда бўлиб ўтди. Аввалроқ прокурорлар судьялардан Атамбаевни 15 йил озодликдан маҳрум этишни сўрагани айтилган эди. Бундан ташқари, Атамбаев давлат унвон ва мукофотлари – «Данакер», II даражали «Манас» орденлари, «Данк» медаллари ва бошқа кимматбаҳо буюмларидан маҳрум қилинди.

А.Атамбаев ва унинг яқин қариндошларига тегишли бешта транспорт воситаси, Чуй ва Исиккўл вилоятла-

ридаги уйлар, ер участкалари – жами 10 та объект ҳам мусодара қилинадиган мол-мулклар рўйхатига тушган. Жиноят оламида машҳур бўлган қирғизистонлик Азиз Батукаев 2006 йилда 16 йил 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Аммо 2013 йилда шифокорларнинг «бедаво дарда чалинган» борасидаги ҳулосасига кўра, у муддатдан аввал озод қилинди. Собиқ давлат раҳбари ушбу жиноятчини ноқонуний равишда қамокдан озод қилиш иши бўйича коррупцияда айбдор деб топилди.

Хориждаги мигрантлардан

Тожикистонга қанча доллар келган?

Россия Марказий Банкининг хабар қилишича, жорий йилнинг илк уч ойи мобайнида тожикистонлик меҳнат мигрантлари юртига 359 млн. доллар пул ўтказди, бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 103 млн. долларга ёки 22,3 фоизга камдир.

Экспертларнинг айтишича, карантиннинг икки ҳафтаси пул ўтказмалари ҳажмига таъсир кўрсатган экан, у ҳолда иккинчи чоракда пул ўтказмалари ҳажми янада пасайиб кетади, чунки меҳнат мигрантлари шу давр мобайнида амалда ишсиз қолди.

Тожикистон иқтисодий тараккиёт ва савдо вазирлиги вакили Шавкат Валиев «мамлакат иқтисодиёти, 2008 йилги иқтисодий инқироз даврига қараганда, пул ўтказмаларида боғланиб қолган эмас», деган эди. Бироқ иқтисодиёт фанлари доктори Ҳожимухаммад Умаров пул ўтказмалари 80 фоиз тожик оилаларининг асосий даромад манбаи эканини айтди.

Шарофиддин ТҮЛАГАНОВ,
Tnews.uz

БОЗОР ВИРУС ЎЧОҒИГА АЙЛАНМАСЛИГИ УЧУН

Оддий қоидалар назоратчининг эмас, ўзимизнинг саломатлигимиз учунлигини англашимиз зарур

Пандемия сабаб мамлакатимиздаги буюм бозорлари фаолияти биров муддат тўхтагани кўпчилиكنинг ҳаётига, ҳатто, турмуш тарзига ҳам таъсир қилмай қолмади. Халқимизда «Отанг бозор, онанг бозор» деган нақл бежиз айтилмаган, кунда-кунора, ишимиз бўлса-бўлмаса бозор оралашга ўрганиб қолганмиз. Баъзи оилаларда асосий даромад бозордаги тирикчиликдан келишини ҳисобга олсак, айрим рўзғорлар биров қийналиб қолгани ҳам рост. Айниқса, ёз фасли – биров тўй қилиш, яна биров иморат кўтариш ҳаракатида бўлади. Ўзбекиннинг сарпо сандигининг ками тўлмайди, уни бутлаш учун одамнинг жонидан ўзга ҳамма нарса сотиладиган бозор керак.

Халқимиз ҳаётининг мана шу жиҳатлари эътиборга олинганда, Коронавирус касаллигига қарши курашни республика маҳсуе комиссияси қарори билан 15 июндан бошлаб «яшил» ва «сарик» ҳудудларда буюм бозорлари фаолиятига рухсат берилди. Фақат буюм бозорларида эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ва касаллик кенг тарқалишининг олдини олиш учун барча зарурий профилактик чораларни кўриш, жумладан, ҳар кун иш бошлашдан олдин ва иш вақти тугаганидан сўнг бозорлар дезинфекция қилиниши, уларнинг кириш-чиқиш жойларини пирометрлар, антисептик воситалар ва дезинфекцион «тўшақ»лар билан жиҳозлаш каби катор талаблар қўйилди.

Аммо сўнгги вақтларда айрим бозорлар сотувчиларида, улар билан мулоқотда бўлганларда коронавирус инфекцияси аниқлангани барчани бирдек хушёр торттирмади. Бозорлар вирус тарқалиш ўчоғига айланиб қолмайдими, деган асосли хавотирга тушаётганлар ҳам йўқ эмас.

Хўш, ўз фаолиятини бошлаган буюм бозорларида санитария-эпидемиологик талабларга қанчалик риоя этилмоқда? Аҳоли бозор ҳудудига карантин қоидаларига риоя қилияптими? Буни ўрганиш мақсадида пойтахтимиздаги йирик савдо мажмуаларидан бири бўлган Чилонзор буюм бозорига бордик.

Бозорга кираётган ҳар бир киши дарвоза олдида ўрнатилган «дезинфекция йўлакчаси» орқали ўтади. Ҳар бир кишининг тана ҳарорати тегишли мутахассислар томонидан ўлчанади, ички ишлар ва милий гвардия ходимлари эса тартибни назорат қилиб туришибди. Дарвоза пештоқига никоб тақишни, 2 метрлик масофа сақлашни, карантин талабларига риоя қилишни эслатувчи плакатлар осилган. Бироқ бунга аҳоли қанчалик тайёр эканлигини билиш учун четроқдан кузатдик. Бозор қаршисига тўхтаган автобусдан бир қанча одам тушиб, ярим метрлик ҳам масофа сақламадан, навбатсиз киришга ошиқди. Ҳатто «бозорни жуда соғиниб қолган» айрим шахсларнинг дезинфекция йўлаги қолиб, чиқиш жойидан киришга уринганига ҳам гувоҳ бўлдик.

Одамларнинг бундай безътиборлиги, локайд муносабатини кўриб ҳайрон қолдик. Никобни оғиз-бурунга эмас, иякка тақиб олганча шошаётган, ички ишлар ходимини кўриши билан никобни бирозгина кўтариб олаётганлар гўё карантин уларга тааллуқли эмас, тақислар ҳам фақат назорат ходимлари учун чиқарилгандек тасаввур уйғотади. Бунақаларни кўриб, «Соғлигинг кимга керак, ўзинггами ёки фақат давлатга?» дегинг келади. Вазият ёмон, харқалай болаларга кўзимиз

тушмаса керак, деб ўйлаган эдик. Бироқ, қаёқда... «бозорлик қилишга энди туғилган чақалоқдан тортиб, боғча-ю мактаб боласигача борган. Энг ачинардиси, баъзи бировларнинг никобни томоққа қистирса ҳам, ҳар қалай «борми-бор» бўлиши-ю, бироқ олдидаги фарзандини ҳеч бир хавотирсиз никоб тақмасдан жамоат жойида олиб юрганини нима билан изоҳлашга ҳам ҳайронмиз.



Наҳот, атрофимизда хавфли инфекция «кезиб» юрган бир вақтда фарзандларимиз, мурғак гўдақларимиз саломатлигига шунчалик бефарқ бўлсак?!.

– Чилонзор буюм бозори 16 июндан фаолият бошлади. Бозорга кириш 7:00 дан бошланмоқда, 19:00 дан кейин бозор ҳудудига ҳеч ким қолмаслиги керак. Бозорга келувчилар сони пандемия шароитида ҳам анча-мунча. Уларнинг ичида қоидаларни менсимай, тартибдан четга чиқаятганлар ҳам кузатиляпти. Назорат ходимлари йўқ жойларда сотувчи ҳам, харидор ҳам «бемалолчилик»ка йўл қўймоқда, – дейди ички ишлар майори Нурбек Раҳмонов. – Бозор ҳудудидаги овоз қарнайлари орқали ҳам карантин қоидаларни қайта-қайта уқтирилмоқда. Бироқ қоидабузарлар радио орқали нималар дейиляётгани билан ҳатто қизикмайди. Ҳамма «ишим битса бўлгани, қолгани билан менинг ишим йўқ» қабилида иш кўришяётгандек.



Бу каби ҳолатлардан таъбимиз хира бўлдию, бироқ аввалги аҳвол билан қиёслаганда, бозор анча тартибга келганини пайқадик. Чилонзор буюм бозори ёнида жойлашган «Дўстлик» бозорининг карантиндан олдинги ҳолати ҳамманинг кўз ўнгига бўлса керак: бир-бирига қарама-қарши дўконлар орасида ҳам «уддабурон сотувчиларнинг кийим-кечакларни пуллаётгани, одам ўтишига жой йўқ, ўн метрлик масофани аранг ўн дақиқада босиб ўтиш азоби...

Чилонзор буюм бозори шартнома-назорат бўлими бошлиғи Баҳром Саидовнинг айтишича, ҳар уч кунда бозор ҳудуди тўлиқ дезинфекция қилинмоқда. Дўконларни тозалаш эса тадбиркорлар зиммасида, улардан ҳам озодаликка риоя қилиш талаб этилади. Одам кўп, сабаби тадбиркорлар савдо-сотик бўлмадан, бир муддат уйларида ўтиришган ва шунга яраша харидорлари ҳам етарлича.

Харидорларнинг бозордаги нарх-наво ҳақидаги фикрларини билиш учун суҳбатга торганимизда, улар карантиндан аввалги нарх билан ҳозиргисига ўртасида деярли фарқ йўқлигини таъкидлашди. Тўй ташвишлари билан овора бўлиб юрган юртошларимиздан бири – Содикова Муяссар опа «Мана тўрт-беш кундан бери ҳар кун бозорга катнаймаман. Ўғлимни уйлантираётганим сабаб, ҳали у керак бўлади, ҳали бу. Шунинг учун кам-кўстимизни тўлдириш ҳаракатидамиз. Бозордаги нарх-наво кўнгилдагидай» дейди мамнун оҳангда.

Бозорга кираётганларнинг изи узилмайди. Бироқ бизни яна бир савол ўйлантирди: ҳарорати банд чиканлар учун қандай чора кўрилмоқда? Саволимизга жавоб олиш учун «кирвучи»ларнинг тана ҳароратини ўлчайтган ҳамшира Гулсал Олимова билан суҳбатлашдик: «Ҳаво иссиқ, инсоннинг тана ҳароратига қуёшнинг иссиғи ҳам таъсир кўрсатиши табиий. Шунинг учун ҳарорати 37 даражадан юқори бўлганлар ҳам учраяпти. Бу вақтда биз уларни соя жойда

биров кутишларини айтиб, қайта ўлчаймиз. Агар ҳарорати меъёрга келган бўлса, бозор ҳудудига киритилади. Йўқса, яна бир марта шу ҳолат такрорланади. Бироқ бозор очилгандан буён учинчи уринишда ҳам ҳарорати банд чикан инсон кузатилмади».

Қатга йўлнинг нариги томонига жойлашган «Чинни бозор»нинг ҳали очилмаганини кўриб, ошхона буюмлари сотувига қачон рухсат берилишини ўйлаб турганимизда, бозордан сал масофа тепароқдаги йўл юзида гавжум бўлиб турган одамлар эътиборимизни тортди. Бориб кўрсак, «чинни бозор» бу ёқда экан. Бозорда учратадиган барча буюмларингиз йўл ёқасида «бемалол» сотилмоқда. Савдо ҳам авжида. Бир сотувчига «Нима учун нокунуний савдо қилиясизлар?» деб савол берганимизда «Нарсаларимиз ўзимизники, қонуний-ку» дея гапни айлантirdи. Ҳа, нима ҳам дердик...

Юртимизда эпидемиологик вазият оз-моз ўнглана бошласа, бозорлар ҳам сенин-аста тўлиқ ишга тушиши, шубҳасиз. Бироқ ўзича «тартиб-қоида» яратиб олиб, нафақат, ўзининг балки, атрофидаги инсонларнинг соғлигини ҳам хавф остига қолдираётганларни нима деб аташга ам оқибсан киши. Кўпчилик эҳтиёж юзасидан харид учун боради, бироқ уларни текшириш учун на «санитария пости», на «дезинфекция туннели» бор. Бунинг устига офтоб тигига чидай олманган сотувчи никобини ҳам ечиб ўтирган бўлса-чи?..

Аслида, ҳозирги вазият ҳар биримиздан эҳтиёткорликни, ўз саломатлигимизга бефарқ бўлмашликни талаб этади. Йўқса, озгина эътиборсизлик ҳам бошимизга «мушт» бўлиб тушиши тайин. Қачон синовлар ортда қолади, қачонки бирдам бўлсак, муаммони биргаликда енгилга ҳаракат қилсак. Ўз ҳолимизча яшаб, ўзбошимчаликни ўзимизга қасб қилиб олсак, муаммонинг қучайишига замин ҳозирлаган бўламиз, ҳолос. Шундай экан, яратилган енгилликларга яраша яхши муносабатда бўлайлик, ўз соғлигимизга, фарзандларимиз соғлиғига бефарқ бўлмайлик!

Маҳфуза ПҮЛҲАТОВА,
«Оила даврасида» муҳбири



Тўйларимиз:

ЎТТИЗ КИШИЛИГИ МАЪҚУЛМИ ЁКИ ЮЗ?

ёхуд тўйлар ҳақидаги юз йиллик ўйларимиз бугун ечим топмоқда

Жамоатчилик тўйлар ҳақида асосли фикрларни ўртага ташламоқда. Шу фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, тўйлар ҳақидаги юз йиллик ўйларимизга бугун ечим топилгандек. Демак, ихчам, камхарж тўй қилиш билан биз елкамизда юк бўлиб келаётган ортиқча сарф-харажатлардан қутилишимиз мумкин.

Пандемия шароитида турмуш тарзимизда ўзига яраша ўзгаришлар бўлди. Шулардан бири тўйлар билан боғлиқ. Ахир, ҳаёт давом этар экан, режалаштирган мақсадларимизни бутунлай бир чеккага суриб қўйиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам махсус комиссия қарори билан вирус хавфи кам худудларда ихчам, яъни 30 кишидан ошмаган меҳмон билан никоҳ тўйлари ўтказишга руҳат берилди.

Белгиланган шу тартиб асосида юргимиз бўйлаб шу кунларда тўйлар давом этмоқда. Ҳовлида, энг яқин одамлар даврасида ўтаётган тўйлар видеосини кўриб одамнинг ҳаваси ҳам келади. Ҳамма эътибор келин-куёвда, ортиқча харажат ҳам, меҳмонларни сиғдира олмай ёки кўнглини топа олмай югур-югур қилишлар ҳам йўқ.

Ахир гарчи никоҳ тўйи катта тўйхоналарда бўлгани билан маросим олдида қариндош-уруғ, кўни-қўшни, дўсту биродарлар тўй бўладиган хонадонга оқиб келарди.

Қиз узатадиган хонадон эгалари келинчак бўлаётган дилбандига сарпо қилиб озмунча харажат қилгани етмагандай, меҳмон кутиб ҳам силласи қурир эди. Юзлаб одамларни меҳмон қилиш, бу ёқда қудалар, куёв навқар...

Куёв томонни гапирмасам ҳам бўлади.

Ана шу ташвишларро гарчи келин-куёв тўйнинг бош қахрамонлари бўлса ҳам асосий эътибор уларга эмас, меҳмонларга қаратилар эди. Тўйхонага келган меҳмонларнинг ярмидан кўпи бир-бирини хатто танимас, келин-куёвга бир назар ташлаб қўйиб қорнини тўйғизиб, ўйин-қулгу қилишга машғул бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Энг ёмони, катта харажат эвазига қилинган бундай тўйдан кейин иқтисодий кийин аҳволга тушаётганлар кўп эди. Беҳуда харажатларга чек қўйиш, ихчам тўйлар қилиш бўйича қанчалик тарғибот олиб борилмасин, қутилмаган натижага эриша олмаётган эдик.

Ўттиз кишилик ихчам тўйдан кейин эса одамлар анча маблағи тежалли қолгани, тўй файзли ўрганию ортиқча югур-югурлар бўлмаганидан мамнун бўлмоқда. Энг муҳими, тўй маросимидан мақсад дабдабозлик эмас, балки икки ёшнинг оила қуриши ва бахтли яшаб кетиши эканини англай бошладик.

Бу борада кўпчиликнинг фикрини аниқлаш мақсадида ЎзАда «Тўй нечта кишилик бўлишини хоҳлайсиз?» мазмунда сўровнома ўтказилди.

Натижалар қутилганидек. Сўровномада бир кун мобайнида 3 мингта яқин киши қатнашган бўлса, уларнинг ярмидан кўпи 30 кишилик тўйни ёқлаб овоз берди. 592 киши эса 100 кишилик тўй тарафдори экани маълум бўлди. Анча паст кўрсаткич – яъни 142 киши 200 кишилик тўйни ёқлаган.

Сўровнома баҳона тўй мавзуси ижтимоий тармоқларда ҳам трендга чиқди. Минглаб юртдошларимиз тўй ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Феруза Абдуллаева: Тўйларимиз қанчалик катта, дабдабали бўлгани билан кейинги йилларда ажрашишлар кескин ошиб кетди. Ҳеч қайси

пиши керак. Масалан, биз бир ота-онадан 11 фарзандимиз. Болаларимиз, набиларимиз билан бирга шунча бўламиз, ахир.

Инобат Ойдин Муродова: Бизда ҳалиям тўй жиннилари кам эмас. На фармон, на қарор, на карантин қор қилади буларга. Аслида фарзандларимизнинг бахтли оила қуриши учун дабдаба шарт эмас. Уларга ҳамма шароитни муҳайё қилиб қўйишимиз ҳам нотўғри. Уларнинг ўзига яраша иш қолиши керак-ку! Шунда улар ҳам ўзлари учун интилади, бекорчиликдан номаъқул ишларни қилмайди. Хуллас, болаларимиз учун сипорак бўлганимиз яхши. Ўзимизни қийнаб ҳамма нарасини тайёрлаб берганимиз билан кутганимиздек бўлмаслиги мумкин.

Гулҳебра Умарова: Ҳақиқатан дабдабозликка берилганлар на давлат, на маҳалла, на жамоатчи-



йингит ёки киз ота-онам шунча харажат билан тўй қилиб берди, деб ўйлаб кўраётгани йўқ.

Анвар Жўраев: Тўй фақат яқинлар билан, ўнча одам билан ўтказилса ҳам розиман. Балки шунда иқтисод қилинган пулга бошқа зарур нарса харид қилиш ёки хорижий давлатларга тўй саёҳатига боришга имкон тузиларди.

Муборак Файзуллаева: Дабдабали тўйдан кейин ажрашиб кетаётганлар жуда кўп. Аммо тўй 30 кишилик бўлса, бу камроқ, деб ўйлайман. Чунки биз ўзбекларнинг қариндош-уруғимиз кўп. Юз кишилик тўй жорий қилинса, меъёрида бўлади.

Муяссар Юсупова: Яқин қариндошларсиз, айниқса, амма, хола, тоға, амакиларсиз тўй қилиб бўлмайди. Тўйга айтилмасам ўзаро меҳр-оқибат йўқолади.

София Султон: Никоҳ тўйида ҳеч бўлмаганда юз киши қатна-

ликни назарига илмаяпти. Керак бўлса пулларим билан ҳамманинг оғзини ёпа оламан, деб ўйлаб юрганлар йўқ эмас. Лекин шаҳар бедарвоза эмас.

Дарҳақиқат, жамоатчилик тўйлар ҳақида асосли фикрларни ўртага ташламоқда. Шу фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, тўйлар ҳақидаги юз йиллик ўйларимизга бугун ечим топилгандек. Демак, ихчам, камхарж тўй қилиш билан биз елкамизда ортиқча юк бўлиб келаётган ортиқча сарф-харажатлардан қутилишимиз мумкин.

Фақат карантин тугаганидан кейин кўпчилик 30 кишилик тўйга рози бўлмас керак. Чунки чиндан ҳам тўйларни яқин қариндошларсиз амалга ошириш қийин масала. Аммо 100 кишилик никоҳ тўйи қилиш тақлифи чакки эмас. Сиз нима дейсиз?

Норгул АБДУРАИМОВА

Ушбу сўровнома Facebook ижтимоий тармоғининг «Халқ билан мулоқот» гуруҳига жойлаштирилгач, кўпгина янгидан-янги фикрлар қалқиб чиқди. Юзлаб одамлар ўзларининг изоҳларини ёзиб қолдиришди. Изоҳ қолдирганларнинг ярми 30 кишилик тўйларни маъқуллаган бўлса, тахминан 40 фоизига яқини қавми-қариндоши кўп ҳисобланадиган халқимиз учун 30 киши қамлик қилиши, шу боис қамида 70, кўпи билан 100 киши қилиб белгиланишини ёқлаб чиққанган.

Ушбу фикрларнинг эътиборга моликларини ҳавола қиламиз:

Маҳмуджон Абдуҳоликов:

– Менимча, одамлар 30 кишилик тўй ўтказишга ўрганиб қолади. Энди катта тўйни жуда катта тўёна кутадиغانлар қилади. Асосан амалдорлар.

Феруза Бону:

– 30 кишилик яхши тўй бўлар экан. Ихчамгина, исрофсиз...

Шахло Хон:

– Менимча, 30 киши оз. Сал кўпайтириш керак. Умрида бир марта бўлади тўй. Қадимдан эл-юртга ош берилиб келган тўйларда. Ўзбекиликка 30 та одам билан тўй ўтказиш тўғри келмайди.

Бек Содик:

– Қачонки одамлар ўзларини танишса, бировлар билан иши бўлмаса, ортиқча дабдабаю аъсасаларнинг бефойда эканини тушуниб етишса ҳеч қандай қарор, ҳам ҳеч қанақа чеклов, ҳам назоратнинг кераги бўлмайди. Ўша дабдабаларга кетадиган маблағга ҳаёт давомидида керак бўладиган турмуш ва қундалик ҳаётда зарур маиший техникалар олинса, менимча маъқул бўлади. Энди тўй иштирокчиларига келадиган бўлсак, қариндош-уруғ ака-ука, опа-сингилларнинг ўзи эликтидан ошади. Шунинг учун, менимча, 100 дан 120 кишигача бўладиган тўй ихчам чиройли ва файзли бўлса керак. Шу гапимни 20 йилдан бери айтиб келаман одамларга. Айримлари устимдан қулишарди, айримлари эса тўғри тушунарди.

Доноҳон Қодирова:

– 30 кишилик тўй менга ёқди, кам харж ва файзли бўларкан, қанча одам бўлсам энг кераклиси ёшлар бахтли бўлсин.

Искандар Кенжаев:

– 30 кишилик тўй бу вақтинчалик тўй. Барчада қариндош-уруғ, жамоа, дўст-биродар, маҳалла, кўни-қўшни ва қуда томон бор. Энди ҳисоб-китобни ўзингиз қилиб олинг.

Шўҳрат Аҳмедов:

– Бизнинг менталитетимизга 30 кишилик тўғри келмайди. 100 кишилик ҳам тўғри келмайди. Биз серуруғ халқимиз.

Дилмурод Қодиров:

– Топганига тўй қиламан деб шўрлик ўзбек ўзини ўтдан чўққа уриб, пуч орзу-ҳавасни деб ҳаста боласига дори-дармон олиб беролмаса, йиллаб кўксиди дариб босиб юрган аёлини операция қилдирилмаса, ўқийман деган боласига контракт тўлолмаса, натижада битта дардига мингта кўшилиб узоқ-узоқларга ишлагани кетиб, оиласидан узоқда таваққалчиликда юради-да. Бидъат, иллат ва кўр-кўрона урф-одатлар охир-оқибат бизни халқ сифатида тикка бўлишимизга йўл қўймайди. Шунисига ачинасан одам. Саломат бўлинг.

Шерали ОТАБООЕВ

«БУ – РОМАНТИКА ЭМАС, СЎНГГИ ИМКОНИЯТ»

«Оила даврасида» газетаси оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан таниқли иждокор, ҳамиша ҳақ сўзни айтиб, ўз қаламига садоқат кўрсатиб келаётган тажрибали журналист, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Жамоатчилик кенгаши раиси Карим Бахриев билан махсус суҳбат уюштирди. Ушбу суҳбатнинг бир қисми гарчи таҳририят ва муаллифнинг руҳсатисиз эълон қилинган бўлса-да, уни тўлиқ ҳолда сизга тақдим этишни маъқул топдик.

«Ҳақиқатни айтганлар катағонга учради...»

— Карим ака, сизнинг кўпга чикишларингиз газетамиз ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотган. Сизни журналистик фаолият билан узок йиллардан бери шуғулланиб келаётган тажрибали журналист сифатида биламиз. Матбуотнинг наст-баланди сизга яхши маълум. Айтинг-чи, кейинги ўттиз йил ичида ўзбек матбуоти нималарга эришса олди? «Эришилган»лардан қим кўпроқ манфаат кўрди?

— Ўттиз йил олдин Ўзбекистон мустақилликка эришди. Матбуот ҳақидаги гапни яна ҳам аввалроқдан бошлаш керак. Ана шу мустақилликка эришиш учун «кайта куриш» даврида матбуот катта хизмат қилди, эрк кунларини яқинлаштирди. Шўроларнинг зулм салтанати опкоралик туфайли қулади, имкон пайдо бўлиши билан миллатларнинг зиёдилари матбуотда тарих қатламларини очдилар, миллий ўзликини ва миллий тилларини талаб қилдилар, динларига ва маданиятларига соҳиб чикдилар. Натижада кўзи очилган халқлар «ягона ғоя» билан яшашни истамай қолдилар ва ўз мустақилликларини бирин-кетин эълон қилдилар. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон парламенти Мустақиллик декларациясини қабул қилди.

Шундан кейинги тарихга келсак, бугун ўтган чорак асрга ҳаққоний баҳо берилмоқда. Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев бу даврни «кўрқув даври» деб атади: «У даврлар бошқача эди. Қанча жим юрсанг, шунча яхши эди... Бизлар кўрқув даврида яшагандик».

Ўтган ўша даврга қарасак, матбуот билан боғлиқ бир қонуниятни кўрамиз. Дастлаб 1990 – 1994 йилларгача кўп яхши ишлар қилинди – Конституция ва беш юзга яқин қонунлар ошқора муҳокамалар асосида қабул қилинди, Президентлик таъсис этилди ва реал мукобиллар асосида сайлов ўтказилди, парламентда ҳурфикрлик ва матбуотда ошқоралик ҳукм сурди, бозор иқтисодига ўтиш, маданий дунёга интеграцияланиш учун ҳаракатлар бошланди. Дастлабки парламентада ҳамма масалалар ошқора муҳокама этилар, халқда ҳам бир кўтаринкилик ҳукмрон эди.

Бирок аста-секин маъмурий-буйруқбозлик тизими ўзини мустаҳкамлаб олди, **ҳақиқатни айта оладиган кучлар катағонга учради, қамалди ёки юртни тарк этди, оммавий ахборот воситалари энди оммавий тарғибот воситаларига айлантирилди**. Шахсга сизиниш вазияти қарор топди, мадҳия-бозлик авжга чиқди, танқид қилинса, фақат «мустақиллигимизни кўра олмай-диганлар», «иктисоддаги ютуқларимизга ҳасад қилувчилар», хорижда юрган «ватан хоинлари» танқид қилинади. Буларнинг бари Қодирий, Чўлпон, Бехбудийларни катағон қилган Сталин даврини ёдга соларди. Эътибор қилинг: матбуот гунг ва қар ҳолатга солинган,

осонгина сиёсий «яқдиллик» шароити юзага келтирилди ҳамда иқтисод ҳам инқирозга юз тута бошлади, коррупция авж олди, бугун хориж банкларида қайтаришга уринаётганимиз миллиардлаб долларлар ўшанда ўмарилганди, ҳатто деҳқонларга нима экиб, кимга сотишни ҳам давлат режалаштирадиган ва ҳосил йиғим-теримини ҳуқуқ-тартибот органлари назорат қиладиган маъмурий иқтисод юзага келди...

«Матбуот гунг ва қар ҳолатга солинган, осонгина сиёсий «яқдиллик» шароити юзага келтирилди ҳамда иқтисод ҳам инқирозга юз тута бошлади, коррупция авж олди».

Бугун ана шу вазият бутунлай ўзгарди. Сўнгги тўрт йилда ошқоралик, сўз эркинлиги экинлари эса бошлагач, бунинг ижобий таъсири миллий оммавий ахборот воситаларимизда ҳам акс эта бошлади. ОАВ ўзининг бош вазифаси – жамиятдаги муаммоларни очик танқид қилиш билан ҳам шуғулланмоқда.

«Бойнинг овози баландроқ чиқади»

— Танқид ҳеч кимга ёқмаслиги қундай равшан. Аммо журналистдан ҳамма кўпроқ танқидни кутади. Айтинг-чи, аслида танқид кимга кўпроқ керак: журналистгами, у чиқаётган наиргеми ёки жамиятга?

— Танқид — агар тузум ҳуқуқ устувор бўлган, адолатли ва демократик тузум бўлса, ҳамма учун фойдалидир.

Ҳақиқатни ёзиш журналистга фойда, чунки у, аввало, ўз касбининг шарафини оқлайди, ўз номуси ва орини юксакка кўтарайди ва халққа ҳам, Халиққа ҳам маъбул ишни қиладди.

Ҳақиқатни чоп этиш, такрор айтаман, агар тузум демократик ва адолатли бўлса, наирге ҳам фойдали, чунки унинг ҳақиқий обуначилари, муҳлислари кўпаяди, натижада реклама берувчилари кўпаяди, даромади ошади. Достоевский: «Пул — чоп этилган озодлик», — деган. Бойнинг овози баландроқ чиқиси шундан. Аслида бобомиз Замахшарий: «Ҳақ сўзлаганнинг овози арслон ўқиришидан ҳам кўра шиддатлидир», деганлар.

Ҳақиқатни ўқиш, тафаккур қилиш, муаммоларнинг илдизига етиш ва ечимларни топиш — жамиятга ҳам фойдалидир, турли-туман фикрларсиз тафаккур ўлади, иқтисод инқирозга учрайди, маънавият пароканда бўлади.

«Тиз чўкиб қилинадиган қароқчилик»

— Матбуот расман эмас, фақат қоголардагина эмас, реал ҳаётда бошқа

«Ҳақиқатни ўқиш, тафаккур қилиш, муаммоларнинг илдизига етиш ва ечимларни топиш — жамиятга ҳам фойдалидир, турли-туман фикрларсиз тафаккур ўлади, иқтисод инқирозга учрайди, маънавият пароканда бўлади».

учта ҳокимият билан бўйлаша оладиган чинакам тўртинчи ҳокимият бўла олишига ишончли аммада шакллантириш учун нима қилмоқ керак?

— Матбуот, оммавий ахборот воситалари Конституциямизни жиддий ўқиган ва тафаккур қилган инсон учун ҳаққоний тўртинчи ҳокимиятдир. Биласиз, шундай касблар борки, юз минглаб, миллионлаб инсонлар у билан шуғулланади, лекин уларнинг касб-қори Конституцияда



томонидан айтилмоқда ва қайта-қайта даъват этилмоқда.

Иккинчидан, ОАВга оид қонунлар такомиллашуви лозим. Масалан, тухмат ва ҳақорат деган киноятларни ғайрикриминаллаштириш таклифи амалга ошиши керак. Бу қонунбузарликларнинг маъмурий ва фуқаролик кодексларида бўлиши етарлидир. Сўз учун, фикр учун қамоқ жазоси бўлиши мамлакатда фикр эркинлигига ҳеч қачон йўл бермайди. Бирор бир тараққий қилган, маданий халқда ва давлатда бундай модда мавжуд эмас, у фақат авторитар ва тоталитар давлатларда қолган. Уни мансабдорлар танқиддан кўрққани учун ушлаб туради ва халққа эса шундай дейди: «Наҳотки, сизга газетада ёки интернетда тухмат ё ҳақорат қилинса ва жазосиз қолса?!» Аввало, жазосиз қолмайди — маъмурий ва фуқаролик кодексларида кўра жазоланади, жарима тўлайди, ОАВ ёпилиши мумкин, қолаверса, ОАВ қонунчилигига кўра ёлғон маълумотлар раддия қилинади ва фикрларга жавоб бера олади. Фақат сўз учун қамоқ жазоси бўлмайди, холос. Агар бир журналист сўзи учун қамалар экан, қолган минглаб журналистлар танқиддан тийиллади, жим ўтириши ёки

«Танқид — агар тузум ҳуқуқ устувор бўлган, адолатли ва демократик тузум бўлса, ҳамма учун фойдалидир».

ларни ишлаб чиқади ва қабул қиладди, ижро ҳокимияти ва халқ шу қонунлар асосида ишлайди, яшайди ва фаолият юритади, суд ҳокимияти давлат мансабдорлари ва халқнинг қонунларни бузган ҳолларига ҳакамлик қиладди ва жазо беради. «Тўртинчи ҳокимият» — оммавий ахборот воситалари эса бу учта ҳокимият ва жамиятнинг ҳаётини шаффолаштиради, уларнинг ўз вазифаларини амалга оширишларида кўмаклашади, камчиликларини ошқор қиладди, муаммоларнинг ечими сайловларда катнашганда, тафаккур билан овоз бериши учун жамоатчилик фикрини шакллантиради. **Матбуотнинг ҳокимияти — халқ фикрига таъсир ўткази олиш кучидадир.**

ОАВнинг тўртинчи ҳокимиятга айланиши қатор омилларга боғлиқ.


Энг аввало, сиёсий ирода керак. Бу ирода давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев

макташни афзал кўради. Мактов эса «тиз чўкиб қилинадиган қароқчиликдир».

Учинчидан, ОАВ менежменти бозор иқтисоди шароитига ўтиши керак. Қонунчиликка кўра, исталган соҳага сармоя кирита оласиз, лекин ОАВ соҳасида чегара бор, низоом жамғармасида хориж сармояси 30 фоиздан ошмаслиги керак, бевосита бирор матбуот хориждан маблағ жалб эта олмайди, аввал «сумумий ўра»га — Фондга тушиши керак ва у кимга беришни хал қиладди. Сармоядор эса муайян, аниқ лойиҳага пул беради. Кўряписки, матбуот соҳаси бозор иқтисодининг рақобат шароитига қира олмайди. Тушунман, бу чекловлар орқали жамоатчилик фикрига хориж таъсир ўтказмасин, дейилгандир балки. Бирок жамиятда адолат ҳукм сурса, нимадан кўрқамиз?!

Тўртинчидан, айнан халқнинг ошқора фикрлаши ва онг қарорлар қабул қилиши — ҳақиқий барқарорлик ва ҳавфсизликнинг асосидир. Онгсиз оломон — ҳавфсизликнинг душманидир.

(Давоми 10-бетда.)



Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**27 июнь – Матбуот ва
оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни**



**Юртимизда фаолият
юритаётган кўп минг
сонли журналистлар,
матбаачилар, соҳанинг
барча фидойи
ходимларини
муборакбод этамиз!**



«БУ — РОМАНТИКА ЭМАС, СЎНГГИ ИМКОНИЯТ»

(Давоми. Бошланғичи 8-бетда)

«Танқид қилиб кўрдик, лекин...»

— Сўнги уч-тўрт йилда ўзбек матбуотида анча эжонланган сезиётган эди. Бироқ газеталарда яна ўша «ура-ура» материаллар кўпайиб қолгани, сайтлардан айрим материалларни ими-жимида олиб қўйиш ҳолатларини нима билан изоҳлайсиз?

— Кўряпмизки, сўз эркинлигининг бор-йўқлиги мамлакатдаги адолатнинг бор-йўқлигини белгилайдиган омилдир. Агар сўз эркинлиги бўлса, иқтисод ҳам ривожланади, коррупция ҳам жиловланади. Лекин ҳақиқатни ёзадиган журналистлар, блогерлар яна таъқибга олина бошланса, «ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлимиз» бошланади — коррупция, турғунлик ва зулм авж олади, дунё яна бизга ёввойи қабилага қарагандек қарай бошлайди, ижобий жозибамиздан асар ҳам қолмайди, рейтингларда яқиндагина олдинга чиқаётган эримизга, яна охирига сафларга қайтамыз.

Биз бошдан кечириётган даврнинг ўзига хослиги шундаки, жамиятда янги ислохотлар тарафдорлари ва ҳаммасини аввалги ҳолига қайтариш ҳаракатидаги эски кучлар курашмоқда. Бу эски кучлар пастдан то энг юқоригача мавжуддир. Газеталарда яна ўша «ура-ура» материаллар кўпайиб қолгани, сайтлардан айрим материалларни ими-жимида

олиб қўйиш ҳолатлари шундан далолатдир. Сайтлардан бу хабарларнинг битта-яримтаси йўқолса, уни қўйган бирор дадиллик қилган муҳаррирнинг кўрқоқлиги билан изоҳласак бўларди, лекин уларнинг бирданига ҳаммасидан олиб ташланиши масаланинг анчайин кучли шахслар томонидан олишга мажбурланганини билдиради. Лекин мамлакат раҳбарининг сийёсати цензура эмас, очкиқдир.

2020 йил 3 июнь куни қашшоқликни камайтиришга бағишланган видеоконференцияда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев уни минтакаларда олиб борилаётган ислохотлар учун

«Халқнинг ошқора фикрлаши ва онгли қарорлар қабул қилиши — ҳақиқий барқарорлик ва хавфсизликнинг асосидир. Онгсиз оломон — хавфсизликнинг душмандир».

мактамасликни сўради. 2020 йилга мўлжалланган давлат бюджетидида 410,5 миллиард сўм миқдоридида маблағ ажратилган Миллий телерадиокомпания раисига мурожаат қилиб: «Менга «Президент шундай қилди», — деб макташга ҳожат йўқ. Ислохотлар натижасида одамларнинг дунёкараши ўзгаради, қизиқиш пайдо бўлади, «ер меники» ҳисси пайдо бўлади. Ислохотларни шунчаки мақтов эмас, балки амалда намойиш қилинг», — деди. Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, мамлакатда ижобий



ўзгаришлар президент туфайли эмас, балки ислохотлар ва қонунларнинг ишлаши туфайли рўй беради: «Сизга бир нарса айтишдан кўрқаман, сиз дарҳол президентни мактай бошлайсиз. Бунинг барчаси президент томонидан эмас, ислохотлар, қонун асосида амалга оширилишини айтдим».

Орадан уч кун ўтиб, Ўзбекистон Президенти 6 июнь куни Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида «мақтовлар керак эмас»лигини таъкидлади: «Мен қиска, сизлар кўпроқ гапирсаларингиз тўғри бўлади. Мақтов керак эмас. Президентга энг катта мақтов бўлиб бўлган — бу халқ ишончи. Ҳали энди биринчи қадамларни қўйяпмиз. Келиб, қарасак эшитиб кетиш менгаям осон. Лекин бундан натижа бўлмайди... Аччиқ-аччиқ масалаларни қатъий қўйинглар».

Шу гаплардан сўнг ҳам танқидга, опкораликка, ҳаққоний муҳокама ва мулоқотларга йўл бермайдиган раҳбарларнинг тафаккурида (агар фикрласа) шундай ҳаёллар бўлса керак: ё у асли кўрқоқ, ё биз билгандан кўра кўпроқ нарсани билади. Қадимги замон файласуфи Ксенофонт: «Рост гапирганим, танқид қилганим учун кўп балоларга учрадим, лекин мактаганим учун ҳеч пушаймон бўлмадим», — деган. Бу унинг кинояси.

Президент танқид қилинглар, «аччиқ-аччиқ масалаларни кўндаланг


қўйинглар», «мақтов керак эмас» деб турганда, яна макташда давом этадиган ОАВ раҳбарларининг қилмишини, фикратини шундай изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, у шундай фикрда: «Давлат раҳбари бу чиройли гапларни гапиргани билан ич-ичидан ошқораликни истамайди, мен унинг гапларига эмас, ички истагига бўйсунман ва шу туфайли лавозимимда узоқ қоламан!»

Иккинчидан, ёки: «Президент балким сўз эркинлигини истади, биз танқид қилиб кўрдик, лекин унинг атрофида ўтирганлар дарҳол бурни-мизни ерга ишқаб қўйишди, уларнинг қўли узун ва улар кўпроқ хабардор. Кўзимга қараб юришим керак!» У ўнлаб танқиди туфайли ёпилган газеталарни, ишдан айрилган бош муҳаррирларни, юзлаб ҳақ сўзи учун қатагонга учраган журналистларни ва блогерларни мисол қилиб келтиради, яна минглаб мактагани учун ўрнидан жилмай ўтирган нашр ва оммавий ахборот воситлари раҳбарлари ва ходимларига ишора қилади.

Мен бу фикрларнинг қай бирида жон борлигини билмайман, тўғриси билишини истамайман ҳам. Мен Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Жамоат назорати ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги масаласида ортага қайтиш бўлмайди», — деган сўзларига ишонаман, бир кунги коррупционерлар ва монополистлар уни эгиб олишига ва ҳаммаси аввалги ҳолига қайтишига ишонмайман. Бу — романтика эмас, балким, сўнги имкониятдир.

Шу ишонч билан танқидий мақоалаларни ёздим, ёзганман ва яна ёзаман.



Халқда бир яхши гап бор: қалдирғоч тинч жойда уя қуради. «Тинч жой» деганда фақатгина урушлар ва ҳарбий тўқнашувлардан холи ҳудуд туюнилмайдими. Тинч жой ҳар томонлама қулай, инсонлар эмин-эркин ўз ишини қила оладиган, биров-бировнинг жонию молигагина эмас, ҳурмати, ор-номуси, қадрияти, қалби ва этиқодий эркинликларига ҳам даҳл қилмайдиган жойдир.

ЎРНИМИЗ ҚАЕРДА?

Бир ўйлаб кўринг, ўз ватанида одадланган имкониятларини бошқа жойдан тополмаган ишбилармон нима қилади? Ундай юртни елкамини чуқури кўрсин, дейди. Ёки тезда хуржун-халтасини йиғиштириб, йўргалаб қолади.

Ҳар бир жамиятдаги халқнинг пульсини кўрсатиб турадиган нарса бу — унинг матбуоти. Матбуот қанчалик дадил,

эркин, ижтимоий иллатларга нисбатан муросасиз эканига қараб, шу ҳудуднинг одамлари, ҳаёти, яшаш ва меҳнат тарзи, уларнинг эҳтиёжлари, дунёкараши ҳақида хулоса чиқарилади.

Сўз эркинлиги эса, матбуотнинг, оммавий ахборот воситаларининг томирида оқиб турган қони. Мана шу «қон» бўлмаса, тананинг тириклиги

ҳақида узундан-узоқ ваъзхонликлар қилиш билан бирон фойда бўладими?

Бу менинг шахсий фикрим, холос. Балки кўпчилик менинг бу фикрларимга умуман қўшилмас. Майли. Ҳар кимнинг ўз шахсий манфиати мулоҳазаси бўлиши ҳам яхши, албатта. Мана, бизда ҳар қалай хориж сармоеси жалб қилиняпти. Ҳамкорларимиз ҳам кам эмас.

Улар билан жуда кўп соҳаларда шерикчилик, ҳамфикрлик қиялпмиз. Бу — яхши. Бундан бошқа ютуқларимиз ҳам бисёр. Аммо мени ташвишлантирадиган нарса шуки, биз ҳали ҳақиқатнинг юзига тик қараб, қайси йўл билан бўлса ҳам бизнинг камчилигимизни ўзимизга кўрсатган, юзимизга ойна тутганларни ҳалигача тўғри қабул қила олмапмиз. Кимдир ниманидир танқид қилиб қўйса, ё дарҳол узор сўрайди, ё...

Яна айтаманки, булар шунчаки, шахсий мулоҳазалар. Уларни кимдир тўғри деб қабул қилади, кимдир йўқ. Лекин бутун жаҳон оmmasига қундай равшан бир ҳақиқат шуки, жаҳон матбуот эркин-

лиги индексида Ўзбекистон 156-ўринни эгаллаб турибди. Энди биз бу ерда ўзимизни қанча эркин ҳисоблаганимиз билан бировнинг иши йўқ. Дунё биз билан мана шу ўрнимизга қараб салом-алик қилади. Агар алдасак, «э... малдох», дейди-қўяди. Юзимизга айтмаса, ортимиздан айтади. Ортимиздан айтмаса, ўзини биздан узоқроқ тутади шу уридади. Унга эса, дунё кенг — биз бўлмасак, бошқаси.

Шунинг учун бу масалага жиддий эътибор қаратиш зарур.

Шу соҳада ишлаётган фидойи инсонларга дадиллик тиламан.

Хуррам ШОДИЕВ,
меҳнат фахрийси

БОЛАЛАРДА РАХИТ КАСАЛЛИГИ

Аломатлари қандай, давоси борми?

Рахит – болаларда ҳаётининг дастлабки икки йилидаги кенг тарқалган касаллик бўлиб, асосан суякларнинг ўзига хос ўзгариши билан намоён бўлади. Бу хасталик организмда калций ва фосфор моддалари етишмаслиги туфайли келиб чиқади.

Рахит барча мамлакатларда учрайди, лекин куёш нури етишмайдиган, булут қатлами кўп бўлган, тез-тез туман тушадиган жойлардаги болалар бунга кўпроқ чалиниш эҳтимоли юқори. Кузда ва кишда туғилган болалар рахитдан кўпроқ азоб чекишади.

Ушбу хасталик кўпинча хомиладорлик даврида оналарнинг куёш нурини етарлича қабул қилмагани, ўтирадиган турмуш тарзи туфайли келиб чиқади. Экстрагенитал касалликларга чалинган болаларда, шунингдек, кам таъминланган оилалардаги болаларда кўпинча рахит ривожланади.

Рахит тиббий ва ижтимоий муаммодир, чунки бу бола-

ларнинг кўп касалланишига олиб келади. Бу хасталикнинг жиддий оқибатлари орасида остеопороз, остеомалязия, тиш кариеси, миелофиброз, анемия кабилар учрайди. Организмда калций, фосфор ва магний сўрилишининг пасайиши натижасида рахит кўпинча оддий ич қотиши, сафро дискинезияси ва ўн икки бармоқли ичкада ошқозон-ичак тракти ҳаракатининг бузилишини келтириб чиқаради.

Касалликнинг уч даври ва даражаси бор: бошланғич, чўққи даври, фаол рахит белгилари бўлган вақт.

I даражали рахит марказий асаб ва автоном тизимларнинг бузилиши билан тавсифланади.

Безовталиқ, кўркув, асабийлашиш, титроқ, терлаш, мушаклар гипотензияси, ич қотиши кузатилади.

II даражали рахит суяк тўқимасида кўзга ташланадиган ўзгаришлар билан тавсифланади. Париетал туберкулар шаклланиш, 5-8 қовурғалардаги розетария, кўкрак қафаси деформацияси, қовурғалар қисилиши, «қурбака» қорин.

III даражали рахит бош суягининг юмшаши, бурни («эгар» бурун), кўкрак қафасининг деформацияси («товуқ кўкраги», «калтакесак кўкраги»), орқа мия деформацияси (рахит кифози) билан намоён бўлади.



Рахитнинг даври ва курсини ташхислаш учун қонда калций, фосфор даражаси, гидроксиди фосфатаза фаоллиги аниқланади. Баъзида биланинг рентгенограммаси ўтказилади. Қон зардобидидаги фосфор концентрацияси текширилади.

Рахит учун терапевтик тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- фосфор-калций метаболизмини тиклаш;
- ЛПЖ жараёнларини нормаллаштириш;
- метаболит атсидозни йўқ қилиш;
- D витамини етишмовчилигини бартараф этиш.

Рахитни даволаш қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

Боланинг хар бир кунини тўғри тартибга солиш. Болалар кунига камида 2-3 соат тоза ҳавода бўлишлари керак ва бола жойлашган хонани мунтазам равишда шамоллатиш зарур. Витаминларга

бой, аynиқса калций кўпроқ бўлган озик-овқатлар билан таомлантириш. Физиотерапия, гигиеник ванналар, душ, массаж.

Ҳомиладорлик пайтида профилактика учун она куну тун етарли уйку режимига риоя қилиши, хар қандай об-ҳавода кунига камида 2-4 соат тоза ҳавода юриши зарур.

Ҳомиладор аёлнинг рационал овқатланиши: кунига камида 180 г. гўшт, 100 г. баллиқ (ҳафтада 3 марта), 100 г. твороқ, 30-40 г. пишлок, 300 г. нон, 500 г. сабзавот, 0,5 л. сут ёки сут маҳсулотларини истеъмол қилиш. Эмизикли аёлнинг овқатида ҳам етарли миқдорда витамин ва минерал моддалар бўлиши керак.

Клиник лаборатория ва денситометрик тадқиқотлар рахитни бошдан кечирган болаларни узоқ вақт (камида 3 йил) кузатиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



Кўп дардга даво – карам

Биз ошхонада кўпам фойдаланмайдиган карам бир қанча фойдали хусусиятларга эга. Дори воситаси сифатида карам турли мамлакатлар халқ табобатида кенг қўлланилади. Қуйидаги карам ҳақидаги тавсияларимиз бу маҳсулотга бўлган муносабатингизни ижобий томонга ўзгартирса, ажаб эмас.

Кунига 200 грамм карам истеъмол қилиш билан сиз С витамини етишмаслигидан қутулишингиз, шамоллашнинг олдини олишингиз ва овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилашингиз мумкин.

Протеин миқдори жихатидан карам лавлаги, сабзи, шолғомни ортда қолдиради. Бундан ташқари, бир қатор таркибий қисмларда карам ўсимликларининг оксидлари товуқ туҳумидан кам эмас.

Карам таркибида тартроник кислота мавжуд бўлиб, у углеводларнинг ёғларга айланишини кечиктиради ва семириб кетиш хавфини камайтиради. Аммо пиширганда тартроник кислота йўқ қилинади, шунинг учун хом карам, аynиқса, ортиқча вазли одамлар учун фойдалидир.

Карам таркибидидаги моддалар ичак бактериялари ва бошқа патоген микробларга зарарли таъсир кўрсатади, организмдан холестеролни олиб ташлашга ёрдам беради, бу атеросклерознинг олдини олишда, аynиқса, муҳимдир.

Соф карам шарбати жигар касалликлари, ошқозон яраси, гастрит ва ҳатто тиш оғриғида ишлатилган. Асал билан карам шарбати сил касаллигини даволашда ишлатилади.

Карам баргини деярли хар қандай яра жойига малҳам сифатида қўллаш мумкин ва унинг шарбати оғриқда, аynиқса бош оғриғида яхши фойда беради. **Эсингизда бўлсин:** шарбат музлатгичда сақланса ҳам 1-2 кундан кейин даволовчи хусусиятларини йўқотишни бошлайди, шунинг учун уни мунтазам равишда тайёрлаш керак.

• Юқори нафас йўллариининг ўткир катаралида ва йўталаётганда 5-6 кун давомида шакар билан янги карамнинг илик шарбати кунига 3-4 марта 1 стакандан ичилади.

• Кам кислотали гастрит учун овқатдан 40 дақиқа олдин кунига 3-4 марта ярим стакан янги карам шарбатини ичиш керак.



• Геморрой, ич қотиши ва қон кетишига қарши чора учун кунига 2 марта 1 стакан тузланган карам шарбати истеъмол қилиш керак.

• Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг ошқозон яраси бўлса, янги карам шарбати кунига 4-5 марта 1 стакандан бир ой ёки ундан кўпроқ вақт давомида ичилади, бу муолажа 4-6 ойдан кейин такрорий қўлланилади.

Милкдан қон кетганда, сиз карамни секин-аста чайнашингиз ёки озгингизни шўр карам билан ювишингиз керак; стоматитда эса озгингизни суюлтирилган янги карам шарбати билан ювинг.

Яралар, куйишлар, йиринглар учун

карам барглари гўшт майдалагичдан ўтказилади ва туҳум сариғи билан аралаштирилиб, малҳам сифатида қўлланилади.

Карам кекса одамлар учун, аynиқса, фойдалидир — улар хар кун истеъмол қилишлари керак.


Майда ажинларни йўқотиш ва силли тери учун, жўхори уни билан карам шарбатининг аралашмаси фойдалидир. Ёғли тери учун карам шарбати яхши ниқоб бўлади.

Карам ва турли сабзавотлардан тайёрланган карам салати фойдали витаминларнинг қонидир.

Ҳа, айтганча, карамни ҳеч қачон нон билан еманг!

«Ўқус балиқ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси



*Мамлакатимиз ахборот майдонида
фидокорона ва сидқидилдан меҳнат
қилаётган соҳа ходимларини 27 июнь —
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари кунин билан муборакбод этади!*



*Барчангизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик,
хонадонингизга тинчлик-осойишталик ва
қут-барака тилайди!*

Байрамингиз муборак бўлсин!

Кайроку! ган!

Куюк сўрашиб, мақташни бошлаган журналист маддоҳ эмасдир, балки у сиздан газетасига обунга бўлишни сўраб қолар...




ЖУРНАЛИСТ БИР КУНИ...

Журналистика касбининг ўзига хос ажабтовур олами бор. Журналист деган мардум кунда-кунора бирор «бошоғриқ»қа учрайди, қизиқарли бир хангома устидан чиқади. Баъзан ёш боладек соддалиги ҳам бу фидойи инсонлар танлаган касбига мос. Касб байрами арафасида иш жараёнида, ҳаётда содир бўлган «бир қайнови ичида» гаплар, айрим воқеаларни ёдга олмоқчи бўлдик.

«Ҳайдалган мухбир»

Мақтабни битиргач, олий ўқув юртига кира олмадим. Туман марказидаги босмахонага ишга жойлашдим. Босмахона Хатирчи туман ҳокимлигининг нашри «Янги ҳаёт» (ҳозирда «Хатирчи ҳаёти») газетаси тахририяти жойлашган бинода эди. Шу боисдан, тез орада журналистлар билан эл бўлиб кетдим. Ёзганларим газета саҳифаларида босиладиган бўлди. Ўша кезлари газетага Жўракул Ёрмаматов деган кўнгли очик, самимий, бағрикенг инсон бош муҳаррирлик қиларди. У доимо одамларга яхшилик қиларди. Ана шу кишининг бир оғиз гапи билан ишимни тахририятга кўчирдим.



Нарзулла Чўтбоев, Эйтибор Сафарова, Мардикул Сиддиқов, Тоҳир Абдиев, Исроил Холбоев, Аҳмадҷон Элмуродов, Анвар Ҳосилов каби газета жонкуярлари худди ўз жигаридек сафига олишди. Жамоада ажойиб бир ижодий муҳит ҳукмронлик қиларди. Ўзбекистон халқ бахшиси Умарқул Пўлкан, Очил шоир Эшмурод ўғли, Бибисора Туробова, Хосият Бобомуродова, Меҳринисо Ойдинова, Мухтарам Туркой, Фахриёр сингари таниқли ижодкорлар қадами узилмасди тахририятдан.

Ўша кезлари газетада каминанинг «Қачонгача, Қодирнинг қовоғига қараймиз?» деб номланган кичкина фельетонни босилди. Унда тумандаги томири сувга етган, унча-мунчани менсимайдиган бир раҳбарнинг ножоиз одатлари танқид нишонига олинганди. Фелье-

тонни жамоатчилик илиқ кутиб олди. Ўша раҳбарни райкомда бурнини ишқаб, обориб обкелишди. Аммо ўша «зўравон»ни кўнглида менга нисбатан хусумат пайдо бўлди. Мени йўқотиш пайига тушди. У бир куни мухбирни излаб тахририятга келади. Гоҳ у хонага, гоҳ бу хонага бош суқиб, мухбир болани (яъни, мени) ахтарарди. Бу маҳалда мен топириқ билан далага кетган эдим. Бош муҳаррир гап ниманда эканини тезда

илгайди-да, бояги амалдорни хонасига бошлайди. Бир пиёла чой тутарди. У ёқ-бу ёқдан гапириб, уни жаҳлдан туширади. Гап орасида фельетонни ёзган йигитчанинг юз фоиз ҳақ эканлигини, фактлар исботини топганини, ўчакиш яхши оқибатга олиб келмаслигини ҳам кистириб ўтади. Жўракул аканинг шунча жавраганига қарамай, у танқидий мақола муаллифини топиб берасан, дея тихирлик қиларавлади. Қараса, ҳамсуҳбати гапга кўнадиганлар хилидан эмас. Бунақа масалаларни кўриб кўзи пишиб кетган бош муҳаррир вазиятдан чиқиб кетишнинг антиқа йўлини топади. Жиддий қиёфада «сизни танқид қилган мухбир бола ўз аризасига кўра ишдан бўшаб, армияга жўнаб кетди» деб юборарди. Бу гапдан амалдор мамнун бўлиб, «Ия, шунақами?...», дея каловлашиб қолади.


Жўракул ака ўша куни кечга яқин бўлган воқеани сўзлаб берди. Ва танқидий мақолаларни кўпайтиришни тайинлади.

Улуғбек ЖУМАЕВ

Янги сўздан! ООР!


- Ҳа, огайни, глобус кўтариб олибсан?
- Хотинимга касб байрамида совға қилмоқчиман.
- Хотининг ўқитувчи эмас, журналист-ку.
- Ҳа, менинг давримда бир дунёни кўрсин...

«Раис порахўр, одам эмас»



– Бехуда кутаясан, болам. Бу автобус фақат байрам кунлари юради, – деди кампир бекатда турган ўсмирга.


– Бугун менинг туғилган куним, – дермиш бола ҳам...



Газетада катта фельетон эълон қилинганидан жиғибийрони чиққан раис тахририятга дағдаға қилиб, тезда раддия берилишини сўради.


– «Раис порахўр одам», деган гапга дарров раддия беринг. Бўлмас...

Кейинги сонда тахририят ўз «айб»ини тезда тузатиб, шундай раддия берди: «Раис порахўр, одам эмас»...




Раис журналистлар касб байрамида сўзга чиқибди:


– Демак, бундай! Деҳқонларга – ер майдонлари, хизматчиларга – фабрика ва заводлар, турмушга чиқмаганларга – совчилар, ширинсўз мухбирларга – пахта, танқидчи журналистларга – бир шапалоқдан! Бор совғам шу...



- Нима учун баъзи одамлар қақмоқ бўлаётганида ўзига оро бериб, тек туришади?
- Ҳайратланаётган бўлиши мумкин.
- Йўк. Улар фотомухбирлар расмга олишяпти, деб ўйлашади.



Баъзида шундай онлар бўладики, ҳаётингда катта ўзгаришлар қилгинг келади. Ва... янгича шижоат билан профилингдаги расмини ўзгартирасан. Энди сен ўзгарганинг ҳақида билиб қўйишин!



Иши юришмаган журналист донгдор ҳамкасб оғайнисидан сўради:

– Дўстим, бу соҳада ҳеч бахтим очилмади. Энди пахта билан шуғуллансамми, деяпман. Лекин пахта эксам яхши яшайманми, ёки пахта терсамми – шунга бошим қотиб турибди...

– Пахта қўйсанг зўр яшайсан! – дебди дўсти ҳозиржавоблик билан.

Болтабой МУҲАММАД ҚУРБОН

Майбуотнинг кучи

Бешинчи синфдалигимдаёқ газетага мақола ёза бошлаганман. Еттинчи-саккизинчи синфларга чиқиб шерлар, кичик-кичик ҳўқоя, масаллар ёзардим. Мақтабни тамомлаган даврларимда эса газетачиликка қўлим анча келишиб қолганди.

Кунларнинг бирида туман газетасида «Чайқовчи» номли ҳажвий шезрим босилиб чиқди. У пайтлар газеталар кўп минг нусхада босилар, унга ҳамма обунга бўлишарди. Орадан уч кун ўтиб маҳалламизда биздан беш-олти уй нарида яшовчи ёши элликларга бориб қолган Иброҳим испи («испуклант», ўзбекча олибсатор) деган киши кириб келди. Отам билан тоқларни очаётган эдик. У киши бўлса кела солиб бақира кетди.

қўшнисини газетга ёзاديمи? Мен гап нимадалигини тушунгандай бўлдим. Отам ҳам мени газетга у-бу ёзиб юрганмдан хабардор эди. Чунки тахририятдан ҳар ой 20-30 сўм гонорар олардим-да.

– Ҳов, Иброҳим, кел, кел. Нима гап, бундай ётиғи билан тушунтирсанг-чи? Бизнинг ўғил бирон айб иш қилиб қўйибдимми? – деди отам бир менга, бир ҳадеб бақираётган Иброҳим испига қараб.

– Мана бу ўғлингиз мени, мана, газетга ёзибди, – деди қўлидаги газетани отамнинг бурни тағигача келтириб. Отам газетани қўлига олиб кўзига шошмасдан ойнағини тақди-да, жұрттағами, шезрини овоз чиқариб ўқиди. Ўқиб бўлгач, «боллабсан-ку, хумпар», деб елкамга уриб қўйди.


– Шоир қани, шоир? Бир кўриб қўйайлик, биззи азаматни.

Отам ҳам, мен ҳам, тўғриси, ҳайрон бўлиб анграйиб қолдик. Биз ҳали гап нимадалигини тушунмай туриб, у яна вайсай кетди.

– Ота, болага шундай тарбия беряпсизми? Келиб-келиб ўзининг

қўшнисини газетга ёзاديمи?

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жамоаси



Юртимиздаги барча жонкуяр журналистларни, матбаачиларни
27 июнь — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ билан самимий қўтлайди!



Жамиятимиздаги адолат ва сўз эркинлигини ифода
этаётган соҳа ходимларига изжодий баркамоллик ва
муваффақиятлар тилайди!

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

**OILA
DAVRASIDA**
ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Mutabiklan oila — yurt tayanchi

«Oila davrasida» gazetasi
тахририяти» масъулияти
чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» наприйет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Хусниддин
БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Бурутма: 1-637
ISSN 2181-6190 Обуна индекси — 193
Алди: 1 709 нуска.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳафти 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 01:30

ISSN 2181-6190



123456